

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2012 йил 26 декабрдаги  
507- сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**Солик тизими ва соликқа тортишнинг янгиликлари**

олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
умумкасбий ва маҳсус фанлари педагоглари учун малака ошириш  
йўналишининг ўкув дастури

**Тошкент – 2012**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Малака ошириш ўкув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2012 йил 25 декабрдаги 4-сонли баёни билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори;  
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- УзМУ ҳузуридаги минақавий маркази директори;  
и.ф.н. Х.А.Курбонов- ТДИУ, “Давлат молияси ва соликлар” кафедраси доценти;  
к.ўқ. М.Ж. Баутдинов - ТДИУ, “Давлат молияси ва соликлар” кафедраси катта ўқитувчиси.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Т.Ш. Шодиев- ТДИУ ҳузуридаги тармоқ маркази бўлим бошлиғи;  
и.ф.д., проф. Н.Р. Қўзиева – Солик академияси “Соликлар ва соликқа тортиш” кафедраси мудири.

Ўкув дастурлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2012 йил 29 - ноябрдаги 4-сонли баённома).

## **Кириш**

Педагог кадрларни малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги "Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 25-сонли Қарори, "Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ҳақида Низом" талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПҚ-1533-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли қарори республикамизни ижтимой-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳатлар, таълим муассасаларининг эҳтиёжларидан ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича ютуқлар таълим дастурида ўз ифодасини топган.

Малака оширган тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билиши, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришуви ва мазкур таълим тизимида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва таълимнинг интерфаол усулларини амалда қўллай олиши, ахборот-коммуникация технологияларидан таълим-тарбия жараённида самарали фойдалана олиш, замонавий молия тизими ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари;
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари;

### **Таълим сифати менежменти.**

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси;
- Электрон педагогика асослари;
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат;
- Амалий хорижий тил.

### **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Замонавий молия тизими;

- Корпоратив молия;
- Давлат молиясини бошқариш.

**Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

**Танлов фанлари модули.**

- Хорижий инвестициялар
- Солиқ тизими ва солиқса тортишнинг янгиликлари

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Солиқлар ва солиқса тортиш” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Солиқлар ва солиқса тортиш” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, замонавий молия тизими, корпоратив молия, давлат молиясини бошқариш, хорижий инвестициялар, солиқ тизими ва солиқса тортишнинг янгиликлари каби ўқув модуллар бўйича педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар**

**Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;

- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини;
- замонавий молия тизими ва ундаги ислоҳотларнинг усувор йўналишларини;
- солик тизими ва унинг элементларини;
- соликқа тортишдаги янгиликларни;
- мутахассислик фанининг дидактик таъминоти **билиши керак**.

### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик хужжатларни яратади олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларини;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишни;
  - виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
  - хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
  - электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-үзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- солик тизимидағи ислоҳотлар устувор йўналишларининг мазмун ва моҳияти;
  - солик тизимидағи дастурий маҳсуллар ва уларни ишлаш принциплари;
  - хорижий инвестициларни жалб қилиш ва уларни худудлар бўйича ўзаро тақсимлаш бўйича **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- молия тизими ва унинг бўғинларидағи ислоҳотларнинг мазмун, моҳияти, истиқболдаги йўналишлари;
- замонавий шароитларда солиқ сиёсати ва унинг стратегик йўналишлари;
- солиқлар ва солиқ тизимидағи янгиликлар асосида солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби бўйича **малакалариға** эга бўлиши зарур.

### **Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гуруҳларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси хафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидағи малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

### **«Солиқлар ва солиққа тортиш» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни**

#### **I. Умумий тайёргарлик модули**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётини сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти унинг муҳим шарти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлашириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиш, миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фандастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

## **1.3. Таълим сифати менежменти.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари. Таълим сифатини юксалтириш воситалари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёни сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳияти. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битиравчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. ОТМларнинг рейтинги. Ўқитувчи илмий фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари. Ўқитувчининг маънавий-ахлоқий фаолиятини баҳолаш мезонлари. Мутахассислик фанлари бўйича ўқитувчининг услубий рейтинг баҳосини аниқлаш тартиби. Таълим жараёнини баҳолаш усуллари ва технологияси. АРМ ва кутубхона хизматини баҳолаш. Талабанинг «лавозим имконияти»ни баҳолаш услубиёти. Битиравчи талабаларнинг лавозим имконияти бўйича сифат тоифалари ва белгилари. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

## **II. Умумкасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб муаммолари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

### **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча, ахборот – коммуникация технологиялари воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристики. Замонавий коммуникацион технологиялар. Таълим жараёнидаги ахборот-коммуникация технологиялар, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнидаги фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

### **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мулоқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилияtlари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ

техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

## **2.4. Амалий хорижий тил.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мулоқотларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг асосий даражалари. Сўз бирикмалари атрофида мулоқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мулоқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мулоқот. Йириқ, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

## **III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **3.1. Замонавий молия тизими.**

Молия тизими ва унинг бўғинлари. Молия тизимининг функциялари. Молиявий инқирозлар ва янги молиявий архитектураларнинг шаклланиши. Замонавий шароитларда жаҳон ва миллий молия тизими архитектураси. Замонавий шароитларда жаҳон ва миллий молия тизимидағи долзарб муаммолари. Жаҳон ва миллий молия тизимидағи ислоҳотларнинг устувор йўналишлари.

Давлатнинг кредит тизими. Банклар ва банк фаолиятининг ташкилий-иктисодий ва хуқуқий асослари. Банк тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари.

Молиявий бозорлар ва уларнинг ривожланиш тенденциялари. Молиявий боорлар инструментлари. Молиявий инструментларнинг сифат тавсифлари. Мамлакатнинг сугурта тизими. Сугурта компаниялари ва сугурта хизматлари бозорининг ривожланиши.

### **3.2. Бюджет-солиқ сиёсати яҳлитлиги.**

Молиявий сиёсат ва унинг асосий компонентлари. Бюджет сиёсати ва унинг йўналишлари. Ижтимоий сиёсат ва уни амалга ошишда давлат бюджетининг аҳамияти. Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг фискалъ инструментлари.

Солиқ сиёсати ва унинг йўналишлари. Фискалъ сиёсати ва унинг Кейнсча вариантиниг хусусиятлари. Замонавий шароитларда бюджет-солиқ сиёсати ва унинг уйғунлигини таъминлаш масалалари. Макроиктисодий барқарорлик ва уни таъминлашга йўналтирилган бюджет солиқ сиёсати.

### **3.3. Солиқ тизими ва солиққа тортишнинг янгиликлари.**

Солиқ тизими, унинг элементлари. Солиқ обьекти. Солиқ ставкаси ва унинг турлари. Солиқ базаси. Солиқ имтиёzlари. Солиқ преференциялари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва унинг тараққиётини концептуал асослари. Солиқ тизимининг ҳуқуқий асоси ва унинг мустаҳкамлаш борасидаги амалга оширилган ислоҳотлар. Умумдавлат солиқлари. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Махсус солиқ режимлари. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби ва унинг таркибий элементи. Билвосита ва бевосита солиқлар, уларни бюджет даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти. Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар. Юридик шахслардан ундириладиган солиқлар.

Мустақиллик йилларида солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар. Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимида амага оширилаётган ислоҳотлар ва солиққа тортиш янгиликлари. Замонавий шароитларда солиқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг стратегик йўналишлари. Амалдаги солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари.

## **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

### **4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.**

Олий таълим тизими инфроструктураси. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисларни умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

### **4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишидаги инновациялар.**

Олий таълим муассасаси ўқитувчиши шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

## **V. Танлов фанлари модули**

### **5.1.Хорижий инвестициялар**

Инвестицион фаолиятнинг илмий-назарий асослари ва уни миллий иқтисодиёт тараққиётидаги аҳамияти. Инвестицион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш

манбалари. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция сиёсати. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури. Хорижий инвестицияларнинг турлари.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш шакллари ва уни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувидаги хорижий инвестицияларнинг ўрни. Инвестициялар экспорти ва импорти.

Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари. Хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион муҳитнинг шакллантирилиши. Очиқ эшиклар сиёсати ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш давлат сиёсатининг стратегик йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш. Ўзбекистон иқтисодиётини инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини ривожлантириш муаммолари. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш концепцияси. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни молиялаштириш.

## **5.2. Солиқ тизимидағи дастурий маҳсуллар**

Солиқ тизимининг моҳияти. Солиқ тизимининг элементлари. Солиқ тизимидағи дастурий маҳсуллар. Дастурий маҳсулларнинг солиқ маъмурчилигини янада мукаммаллаштиришдаги аҳамияти. Солиқ тўловчиларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш. Солиқ тўловчиларнинг реестри ва унга маълумотларни киритиш тартиби.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, замонавий молия тизими, корпоратив молия, давлат молиясини бошқариш, мутахассислик фанининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, хорижий инвестициялар, солиқ тизими ва солиққа тортишнинг янгиликлари каби ўқув модулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

## **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиши.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулоса;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарсликларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

1. Масофавий таълим ва уни ривожлантириш истиқболлари.
2. Мутахассислик фанларидан электрон дарслик ва адабиётлар яратиш.
3. Фанларни ўқитишдаги янги ахборот технологиялари ва уларнинг имкониятлари.

4. Инновацион педагогик фаолият назарий асослари.
5. Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишни лойиҳалаш.
6. Компьютер тармоқлари.
7. Дарс-таълимими ташкил этишнинг асосий шакли сифатида.
8. Таълимни ташхис этиш.
9. Тарбия тамойиллари.
10. Электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
11. Психология фанининг предмети.
12. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва психология фанининг вазифалари.
13. Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари.
14. Давлат молияси тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари.
15. Ҳозирги глобаллашув шароитида бюджет—солиқ сиёsatнинг устувор йўналишлари.
16. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими ва уни ривожлантириш истиқболлари.
17. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган артиби ва удаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари.
18. Билвосита солиқлар ва уларни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.
19. Ресурс солиқлари ва тўловлар тизимининг бюджет даромадларидаги аҳамияти ва уни янада ривожлантириш масалалари.
20. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ундаги ўзгаришларнинг мазмун ва моҳияти. .

### **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини кўлланилиши назарда тутилган:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;
- тингловчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилган.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёsat, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.

4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мағкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
13. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
14. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажаги йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
15. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
16. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
17. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил- 36 б.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маъruzасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 72 бет.
22. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
23. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик махорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.

24. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
25. Воронин Г.Л. Конфликты в школе.// Социологические исследования, 1994. - № 3
26. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.
27. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.
28. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996. 218 с.
29. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. «Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок». МВССО. Т.,2002. 98 с.
30. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002й. 218 б.
31. Сатторов. А. «Информатика ва ахборот технологиялари». - Академик лицей ва касб – хунар колледжлар учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002 й. 325 б.
32. М.Х.Лутфуллаев., М.А.Файзиев. «Интернет асослари»., СамДУ нашриёти. 2001 й. 198 б.
33. Б.Ғ.Қодиров. У.Бегимқұлов, А.А.Абдуқодиров. «Ахборот технологиялари». Электрон дарслик. 2002 й. 213 б.
34. Вахобов А.В, Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик-Т:Шарқ, 2009. 448 бет.
35. Vahobov A.V., Malikov T.S. Moliya. Darslik/Toshkent moliya instituti.- Toshkent: "Noshir", 2012. 712-bet.
36. Юткина Г.Ф. Налоги и налогообложения. Учебник. – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 509 с.
37. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти: Дарслик. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. – 247 б.
38. Тухлиев Б.К., Юсупов О.А., Агзамов А.Т, Тўхсанов Қ.Н. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув қўлланма. – Т.: 2007. -320 б.
39. Alimardonov M.I., Toxsonov Q.N. Soliq nazariyasi. O'quv qo'llanma – Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2005. 168 b.
40. Поляк Г.Б. Финансы бюджетных организаций.- М.: Вузовский учебник, 2006, - 417 с.
41. Лушин С.И., Слепов В.А. Государственные и муниципальные финансы. –М.: Экономист, 2006, - 317 с.
42. Принципы организация казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Уч.пос. Под.редакцией Д.Ж.Кучкарова – Т.: Мир экономики и права. 2005 й.
43. Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2007, -84.
44. Gadoev E.F., Qurbonov X.A. Bauetdinov M. J. Moliya. - Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 189 б.
45. Alimardonov M.I., To'xsanov Q.N. Soliq nazariyasi. - Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi adabiyot jamg`armasi nashriyoti, 2005, - 175 б.

## **Интернет малумотлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:  
[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. <http://www.press-service.uz>
5. <http://www.soliq.uz>
6. <http://www.treasury.uz>
7. <http://www.tsue.uz>
8. <http://bfa.re.uz>
9. <http://www.tfi.uz>
10. <http://www.glossary.ru>
11. <http://www.budgetrf.ru>